

**“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг 5-сон
ҚАРОРИ**

2022 йил “22” сентябрь

Тошкент шаҳри.

“Худудий электр тармоқлари” АЖНИНГ барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, вазирлик “Худудий электр тармоқлари” АЖНИНГ Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

“Худудий электр тармоқлари” АЖДА Корпоратив бошқарувни баҳолаш воситаси (баҳолаш картаси)ни татбиқ этиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан:

Корпоратив бошқарувни баҳолаш воситаси (баҳолаш картаси) давлат иштирокидаги корхоналар корпоратив бошқарув тизимларини энг муҳим халқаро бошқарув стандартларига (жумладан, Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти ва Банклар бўйича Базел қўмитаси) мувофиқлигини баҳолайди. Баҳолаш картасини жорий этишдан мақсад давлат корхоналарини бошқариш сифатини баҳолаш, илгор амалиёт стандартлари билан солиштирган ҳолда камчиликларни аниқлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун давлат корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишида қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Баҳолаш картаси асосида қуйидагилар амалга оширилади:

- 1) давлат корхоналарни бошқариш амалиёти таҳлил қилинади;
- 2) турли давлат корхоналари кўрсаткичлари таққосланади;
- 3) вақт ўтиши билан бошқарув амалиётининг ривожланиши кузатилади;
- 4) кўрсаткичларни халқаро субъектлар билан таққослаш имконияти яратилади.

Осиё Таракқиёт Банки (кейинги ўринларда - ОТБ) томонидан Иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш дастурига техник ёрдам кўрсатиш воситаси доирасида давлат иштирокидаги корхоналарда баҳолаш картасини татбиқ этиш юзасидан 2021 йил ноябр ойида Молия вазирлиги томонидан давлат номидан акциядор (иштирокчи, мулкдор) ваколатлари ва функцияларини

амалга ошираётган давлат иштирокидаги йирик корхоналар (кейинги ўринларда - корхоналар) учун ўкув тренинг-семинарлар ўтказилиб, якунда баҳолаш карталари корхоналар томонидан тўлдирилди.

Баҳолаш картаси корхоналарни бошқариш амалиётини ҳар томонлама баҳолаш учун кичик тоифалар билан 5 кенг тоифага гурухланган бўлиб 58 та кўрсаткични кўриб чиқувчи батафсил ёндашувдан иборат.

Жумладан:

1. Акциядорларнинг ҳуқуқлари ва ҳимояси (10 та кўрсаткич)

1.1 Акциядорларнинг ҳуқуқлари

1.2 Акциядорларни ҳимоя қилиш

2. Бошқарув кенгаши (20 та кўрсаткич)

2.1 Кенгашнинг роли

2.2 Кенгашнинг ваколатлари

2.3 Кенгаш тузилиши ва жараёнлари

2.4 Мустақил ва холис фикр юритиш

3. Шаффоффлик ва жавобгарлик (15 та кўрсаткич)

3.1 Молиявий ҳисобот ва ошкоралик

3.2 Молиявий бўлмаган ҳисоботлар ва уларни ошкор қилиш

3.3 Бошқарув ҳисоботи ва ошкор этилиши

4. Бошқариш муҳити (7 та кўрсаткич)

5. Манфаатдор томонлар (6 та кўрсаткич)

Тўлдирилган баҳолаш карталари ОТБга юборилиб, мутахассислар томонидан кўриб чиқилган, ҳамда кўриб чиқиши натижасида умумлаштирилган ҳисобот тузилган. Ҳисоботдан бир нечта хуносалар чиқарилди:

- баҳолаш картаси корхоналарни бошқариш амалиёти сифати ҳақида фойдали қиёсий маълумот бериб, бошқарув ва самарадорлик бўйича камчиликларга эга бўлган корхоналарни аниқлашга ёрдам беради;

- корхоналар кўп ҳолларда ўзларини адолатли баҳолаш ва такомиллаштириш режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун илғор бошқарув амалиётларини яхшироқ тушунишга муҳтоҷ. Вакт ўтиши билан барча давлат корхоналарида корпоратив бошқарув сифати бўйича эришилган ютуқларни кўриш учун ушбу кўрсаткичлар картасини ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб туриш зарур;

- корхоналар Кузатув кенгашлари баҳолаш карталари кўрсаткичлари орқали корпоратив бошқарувни янада самаралироқ назорат қилишлари ва такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқишилари лозим;

- корхоналарда бошқарув органларини баҳолаш салоҳияти мавжуд эмас. Шунингдек, баҳолаш карта тўлдирилгандан сўнг камчиликларни бартараф этиш мақсадида превентив чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг Ягона акциядори, қарор қиласди:

1. ОТБ мутахассислари томонидан баҳолаш картаси асосида тузилган ҳисобот (1-илова) маълумот учун қабул қилинсин.

2. Корпоратив бошқарувни баҳолаш воситаси (баҳолаш картаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ҳар йили “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан тўлдирилиб Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этилсин.

3. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг бошқарув раиси У.М. Мустафоев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг
биринчи ўринбосари



О.Насритдинходжаев